

## Йиғилиш баёни № 10

АЖ Уз-Донг Вон қўшма корхонасининг №189-Адм 02.07.2021 кунги буйруғига асосан товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш бўйича йиғилиш баёни

1. Сана:

«17» 01 2022 й.

1	Мазмун	Дизель ёнилғиси (ЭКО) харид қилиш тўғрисида.
2	Буюртма берувчи	Маъмурият бўлими
3	Асос	
4	Ишлатилиш мақсади	Корхонадаги транспорт воситаларини дизель ёнилғиси билан таъминлаш учун.

2. Етказиб берувчиларни топиш ва ўрганиш:

№	Ташкилот номи	Нарх ўлчов бир. (ҚҚС б-н)	Умумий нархи	Тўлов усули	Етказиб бериш шарти
1	«Андижон нефт базаси» МЧЖ		32243685.60	Олдиндан тўлов 100%	Етказиб берувчи хисобидан

*Izoh: \* ПҚ-3953-сон 28.09.2018 даги 22-бандига асосан харид қилиш тавсия этилди.*

3. Тавсия қилинган етказиб берувчи:

№	Ташкилот номи	Етказиб бериш нархи
1	«Андижон нефт базаси» МЧЖ	32 243 685.60 сўм

4. Тузиладиган шартнома шартлари (шартнома, қўшимча келишув ва в.б):

1	Тури	Шартнома (бир марталик)
2	Умумий нарх / шартнома пул бирлиги	32 243685.60сўм
3	Амал қилиш муддати	31.12.2022 йил
4	Тўлов шартлари	100% тўлов амалга оширилади
5	Етказиб бериш шарти	Етказиб берувчи хисобидан

5. Илова қилинадиган ҳужжатлар:









№	Номи	Изоҳ
1	Етказиб берувчи маълумотлари	
2	Танишиб чиқиш учун шартнома лойихаси	2 вароқдан иборат

6. Етказиб берилаётган маҳсулот ва хизматларнинг нархи ва техник параметларини ҳисоблаш учун маъсул бўлим:

Маъмурият бўлими



**7. Танишиб чиқиш ва тасдиқлаш:**

Йиғилиш қатнашчилари	Ф.И.Ш.	Мансаби	Имзоси
Йиғилиш раиси:	Сотиболдиев.К.Н	АЖ "Уз-Донг Вон Ко" қўшма корхонаси Бош директори	
Йиғилиш аъзолари:	Абдурахманов С.	Бош директор ўринбосари	
	Ким Л.М	Ишлаб чиқариш бўйича бош директор ўринбосари	
	Шерматов А.	Иктисодчи	
	Тоджиматов Ж.	Бош ҳисобчи	
	Қосимов.Э.Д	Ҳуқуқшунос	
	Фатидинов З	Сифат назорати бўлими бошлиғи	
Йиғилиш бўйича маъсул котиб	Рахмонов.Б	Мутахассис	

Бўлим бошлиғи:

 Эркинов О.

Маъсул:  
(Тел: +998 90 253 88 07)

 Рахмонов.Б

«Андижон нефт базаси» МЧЖ билан умумий қиймати: 32 243685.60 сўмлик Дизель ёнилғиси (ЭКО) маҳсулотини харид қилиш тўғрисида 2022 йил 17-январь №33- сонли шартнома тузиш учун йиғилиш баён тузилди.



# Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги ШАРТНОМА № 33

17.01.2022 й.

Андижон шаҳри

куйда "Истеъмолчи" деб номланувчи жамият номидан Уз Докс Вок Ко қўшма корхонаси Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Ҳ. Сотибалдиев нинг шахслигида бир томондан, иккинчи томондан "Андижон нефт базаси" масъулияти чекланган жамиятининг куйида "Етказиб берувчи" деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор в.в.б Қ.Юсупов шахслигида, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. "Етказиб берувчи", "Истеъмолчи"га нефт маҳсулотларини "Истеъмолчи"нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва куйида келтирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Нефт маҳсулотларининг тури	Йиллик миқдор (тонна)	1 тонна нархи (сўмда) Бироз савдоларда аниқлашган урғач нарҳда	Тахминий умумий суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича									
				I-чорак		II-чорак		III-чорак		IV-чорак			
				тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма		
Автобензин АИ-80													
Автобензин АИ-91													
Автобензин АИ-95													
Дизель ёнилғиси													
Дизель ёнилғиси (ЭКО)	2,4	13434869	32243685										
Ўчоқ ёнилғиси													
<b>ЖАМИ:</b>													

1.2. "Истеъмолчи" маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳақда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси ҚҚС билан 32243685,60 сўмни ташкил қилади.

## 2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

2.1. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранспортда, маҳсуле автотранспортда (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилди. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташинида куйиладиган барча ёнги ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда «Етказиб берувчи» га нефть маҳсулотларини ташини бўйича молиявий эътирозни йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автоцистерналарга маҳсулот куйишга руҳсат берилмайди.

2.2. "Истеъмолчи"да нефт маҳсулотларини сақлаш учун идоровий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташини учун маҳсуле автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранспортга юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш "Маҳсулот етказиб берувчи"нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот "Етказиб берувчи"нинг омборидан "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана "Етказиб берувчи" томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Истеъмолчи"нинг маҳсуле автотранспорт воситасида нефт маҳсулотларини ташини "Хавфли юкларни ташини қодалари"га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Агар ҳолда транспорт воситаси "Етказиб берувчи" нефт омборига киритилмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари "Истеъмолчи"га "Етказиб берувчи"нинг маҳсуле транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш "Истеъмолчи"нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот "Истеъмолчи"нинг омборида "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётига имзо қўйилган сана "Етказиб берувчи" томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевоқифа "Истеъмолчи" вакилининг хоҳишига қўра "Етказиб берувчи"нинг нефт омборида амалга оширилиши мумкин.

2.4. Нефт маҳсулотлари "Етказиб берувчи"га тегишли бўлган ёнилғи тарқатиш шаҳобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун "Истеъмолчи"нинг ишночномасига мувофиқ маҳсулотни ёқилғи тарқатиш шаҳобчасидан олиш тўғрисида руҳсатнома расмийлаштирилади. Мазкур руҳсатнома "Истеъмолчи"нинг вакили томонидан ёнилғи тарқатиш шаҳобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида тарқатиш варақаси юротади. "Истеъмолчи" вакилига берилган маҳсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида "Истеъмолчи"нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран тўлик олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибда темир йўл транспортда етказиб берилганда, темир йўл нақладнойига юкни ташини қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни қабул қилиш амалдаги "Нефт, газ конденсати ва нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташини ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма"га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Маҳсулотга эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбуриятини бажарган санадан эътиборан «Истеъмолчи» га ўтади.

2.7. Нефт база омборига маҳсулот куйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот куйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик "Истеъмолчи" зиммасига, маҳсулот маҳсуле автотранспортда ташиниладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

2.8. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи)нинг автотранспортда олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) нефт база ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамгаланади. Тамгалаш "Истеъмолчи"нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.9. "Етказиб берувчи" нефт маҳсулотлари таъминотининг узилишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмади.



3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тўлов топшириқнома асосида амалга оширилади.

3.2. «Истеъмолчи» олаётган нефт маҳсулотлари партияси учун ҳақини олдиндан камида 5 кун олдин 100% миқдорда «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига ҳақ тўлайди.

3.3. «Етказиб берувчи» нефт маҳсулотларини «Истеъмолчи»га биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларидан келиб чиқиб, «Етказиб берувчи» нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шаклландиған нархларда сотади.

3.4. Шартнома суммаси нефт маҳсулотларини «Етказиб берувчи» таъмонидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефт маҳсулотини ташиш билан боғлиқ темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефт маҳсулотлари таъминоти корхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефт маҳсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади ва бу ҳақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

4. НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Нефть маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:

а) «Етказиб берувчи» нефт базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефт маҳсулотини олиб чиқиши қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;

б) «Истеъмолчи» транзит орқали маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йуриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

4.2. Эгаллик ҳуқуқи, тасодиқий нобуд бўлиши, маҳсулотта зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» корхонаси худудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи» га ўтади.

4.3. Нефть маҳсулотларини миқдор ва сифати бўйича «Истеъмолчи», «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдори ва сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида» ги йуриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. «Истеъмолчи» нефт маҳсулотларини олаётган вақтда жойида маҳсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.

5.2. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу маҳсулот ортиш ва кузатувчи ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.3. Нефть маҳсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартноманинг ҳар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

6.2. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефтмаҳсулотларини етказиб бериши қафолатлайди. Ҳар икки томон нефтмаҳсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

Нефть маҳсулотларини ҳисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

6.3. «Истеъмолчи» нефт маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.4. «Истеъмолчи» томонидан унинг худудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

6.5. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди ва Етказиб берувчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.6. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунга биноан қўлланади.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Ҳар икки томон ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар;

- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнгин, зилзила ва бошқалар оқибатида юз берса,

- нефтни қайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш ҳамда муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЁҚШлар ва нефть база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонуни белгилловчи ташкилотлар қарорига асосан нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1.

9. НИЗОЛАРНИ ҚУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон мустақил ҳал эта олмайдиган масалалар белгиланган тартибда иктисодий судларида ҳал этилади.

9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

9.4. Шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг худудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабргача амал қилади.

10. ТОМОНЛАРИНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

Номи: "Андижон нефт базаси" МЧЖ  
Манзил: Андижон шаҳри Ахтачи саноат худуди А.Ашуров кўчаси №10-уй  
Ташкилот у-н х/р: 22604000700285788702  
АЁҚШлар у-н х/р: 22604000500285788701  
ИНН: 200240109 МФО: 00432  
Банк: "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Яшнаобод фил. Телефон: (74) 299-1132

Директор в.в.б Қ.Юсупов

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Номи: \_\_\_\_\_  
Манзили: \_\_\_\_\_  
х-р: \_\_\_\_\_  
Банк номи: \_\_\_\_\_  
МФО: \_\_\_\_\_, ИНН: \_\_\_\_\_

АО СП «УЗ-ДОНГ ВОН Ко»  
г. АСАКА, УЛИЦА ФЕРГАНСКАЯ 57  
PIC 2021 4000 3005 7280 0001  
ИНН: 202128093 МФО: 00073  
АКБ "АСАКА" АСАКИНСКОЕ ОТД.  
ОКЦ: 29320 ТЕЛЕФОН: 233-13-59

Рахбар: С.Н. Сотиболдиев

Table with columns: ИЖРОИ, БОШЛИГИ, ХУҚУҚЛУК/ИКТИСОДЧИ, ХИСОБЧИ, БОШ ДИРЕКТОР/ЎРИНБАСАРИ, Юриетконсульт: А.Ақбаров

Юриетконсультант  
АО СП «УЗ-ДОНГ ВОН Ко»  
19.01 2022г.